


ОҚИЛЖОН АБДУАЗИМОВ

АХБОРОТЛАШГАН
ЖАМИЯТДА ЖАМОАТЧИЛИК
ФИКРИ МОНИТОРИНГИНИ
ТАЪМИНЛАШДА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯЛАР
СОЦИОЛОГИЯСИНИНГ ЎРНИ



ТОШКЕНТ

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ОҚИЛЖОН АБДУАЗИМОВ

**АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ЖАМОАТЧИЛИК
ФИКРИ МОНИТОРИНГИНИ ТАЪМИНЛАШДА
ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР
СОЦИОЛОГИЯСИНИНГ ЎРНИ**

**(Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг
2001 – 2016 йиллардаги материаллари мисолида)**

ТОШКЕНТ – 2016

УЎК: 621.879.328

КБК 74.00

A-30

**A-30 Абдуазимов Оқилжон. Ахборотлашган жамиятда
жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда
оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни
(Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг 2001 –
2016 йиллардаги материаллари мисолида).
/Монография/. –Т.: «Fan va texnologiya», 2016, 352 бет.**

ISBN 978–9943–11–263–6

Монографияда ахборотлашган жамиятда ҳозирга қадар махсус ўрганилмаган жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар муаммолари социологик жиҳатдан тадқиқ этилган. Оммавий коммуникациялар социологиясида илк маротаба «Матбуотнинг 4Т назарияси» модели таркибига кирувчи – «Гермитлашган матбуот назарияси», «Трибониклашган матбуот назарияси», «Трансформациялашган матбуот назарияси», «Таназиялашган матбуот назарияси» ишлаб чиқилган. Монографияда жамиятнинг тадрижий ривожланишида ахборотлаштириш омиллари, оммавий коммуникацияларнинг назарий асослари ва жамоатчилик фикрини шакллантириш муаммолари хусусида мулоҳазалар юритилади. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари категориялар: критериялар, принциплар, функциялар, социологик усуллар орқали тизимли таҳлил этилган. Оммавий коммуникациялар социологиясини ўрганишда журналистика демократик институт сифатидаги ривожига доир таклифлар ўртага ташланади.

Монография журналистика ва социология факультетлари ўқитувчилари, талабаларига, мутахассис ва амалиётчи журналистлар, социологларга ҳамда оммавий коммуникациялар социологияси билан шуғулланувчи барча қизиққан ўқувчиларга мўлжалланган.

В монографии исследованы с социологической стороны проблемы массовых коммуникаций в обеспечении мониторинга общественного мнения в информационном обществе которые до этого не были специально изучены. Здесь в первые в социологии массовых коммуникации разработаны входящие в состав модели «Теории 4Т печати» – «Гермитная теория печати», «Трибониковая теория печати», «Трансформационная теория печати», «Таназийная теория печати». В монографии рассуждается о факторах информатизации в эволюционном развитии общества, теоретических основах массовых коммуникаций и проблемах формирования общественного мнения. Средствах массовой информации Узбекистана системно анализируются в категориях: через критерии, принципы, функции и социологические методы.

Внесены предложения относительно развития журналистики в качестве демократического института в исследовании социологии массовых коммуникации.

Монография адресована преподавателям, студентам факультетов журналистики и социологии, специалистам и практикам журналистам, социологам а также всем интересующимся читателям занимающийся социологией массовых коммуникаций.

In monographs were explored with sociological sides the problem of mass communications in ensuring monitoring of public opinion in information society which were not specially studied before. Here for the first time in sociology of mass communications worked out being included in models: «The theories 4T of press» – «The termite theory of press», «The tribonican theory of press», «The transformation theory of press», «The tanaziyan theory of press». In monographs is reasoned about factors of the informatization in evolution development of society, theoretical bases mass communication and problems of the formation the public opinion. Mass media of Uzbekistan are systemly analysed in categories: through criteries, principles, functions and sociological methods. Contributed offers for developments of journalism as democratic institute in study the sociology of mass communications.

The monograph is addressed to teachers, students the faculty of journalisms and sociology, specialist and practical journalists, sociologists, and all interested readers who employs the sociology of mass communications.

УЎК: 621.879.328
КБК 74.00

Тақризчилар:

Акмал Саидов – юридик фанлар доктори, профессор;

Абдуғани Холбеков – социология фанлари доктори, профессор;

Мухтор Худойқулов – филология фанлари доктори.

Мазкур монография Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий-техникавий кенгашининг 2013 йил 20 ноябрдаги 4-сонли мажлис қарори асосида нашр қилинган.

ISBN 978–9943–11–263–6

© О.У.Абдуазимов, 2016;
© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2016.

*Ушбу китобни Онамга соғлик ва умр тилаб,
оила аъзоларим аҳиллигидан, устоз ва дўст-
ларга садоқатим, уларнинг оқибатидан,
мустақил халқимизнинг қадди тикланган-
нидан, илмда тўғри йўлдан ҳамда ақлдан
адаштирмаганидан Оллоҳга шукроналик
рамзи сифатида бағишладим.*

МУАЛЛИФ

КИРИШ

XXI аср – инсониятнинг ахборотлашган жамият, деб эътироф этилган янги даврга ўтиши билан дунёда глобаллашув жараёни тобора чуқурлашиб, ахборот соҳасига талаб ниҳоятда ортиб бормоқда. Ўзаро чексиз ахборот алмашишнинг кенгайиши ижтимоий-маданий интеграциялашувнинг интенсификашуви ҳолатида ўзликни асраб қолиш, жамоатчиликни бузғунчи ғоя ва вайронкор мафкура-лардан сақлаш долзарб муаммолардан бирига айланмоқда. Бунда ахборотлашган жамият сари ривожланаётган давлатларда турли «ахборот оқими» остида қолиш хавфи ортмоқда. Маълумотларга кўра, 1995 йилда дунё аҳолисининг Интернетдан фойдаланувчилари сони 16 миллион, яъни 0,4%ни ташкил этган бўлса, ҳозир улар сони 3 млрд. 611 миллион (49,2%)дан ошиб кетган¹. Бунинг натижасида оммавий ахборот воситалари (ОАВ)нинг ўрни ҳақида илмий қарашлар ва назарий ёндашувларни холислик билан танқидий ўрганиш, унинг категория ва атрибутларини таснифлаш, жамоатчилик фикри мониторингини таъминлаш ва ривожланиш истиқболлини социологик жиҳатдан ўрганишга бўлган зарурат янада кучайиб бормоқда.

Мамлакатимиз мустақиллиги туфайли ижтимоий-сиёсий тизимнинг тубдан янгиланиши натижасида ОАВга бўлган эътибор кучайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида: «Оммавий ахборот воситалари эркиндирлар ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди»² деб белгилаб қўйилди. Давлатимиз томонидан ахборот соҳасида изчил ислохотлар амалга оширилиб, ОАВнинг халқаро талаблар асосида тадрижий

¹ <http://www.internetworldstats.com/emarketing.htm>

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2016, 22-б.

ривожланиши таъминланди. Ҳозирда Ўзбекистон Интернетдан фойдаланиш бўйича Осиёдаги 35 та давлатдан 11-ўрин, Марказий Осиёда эса 1-ўрин³, дунёдаги икки юздан ортиқ давлат орасида 37-ўринда⁴ туради.

Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикрини шакллантиришда ОАВни социологик усуллар орқали тизимли ўрганиш, журналистика соҳаси ва социология фанларига интегратив ёндашган ҳолда ўзаро қайтма алоқаларни назарий-эмпирик тадқиқ этиш долзарб ижтимоий вазифалардан биридир. Ҳозирги пайтда ОАВга доир назарияларни янада теран таҳлил этиш ва соҳада туб таркибий ўзгаришлар туфайли юзага чиққан илмий муаммоларни тадқиқот объектига айлантириш ҳам илмий, ҳам амалий долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги, 2002 йил 3 июлдаги «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари ва Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонуни ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга бу монография муайян даражада хизмат қилади.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси асосчиси асарларидаги жамоатчилик фикрини шакллантириш ва ОАВни ривожлантириш масалаларига оид концептуал ғоялар мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилади. «Ўйлаймизки, ҳозирги ахборот, коммуникация ва компьютер технологиялари асрида, интернет кундан-кунга ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тобора чуқур ва кенг кириб бораётган бир пайтда, одамларнинг онги ва тафаккури учун кураш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган бир вазиятда бу масалаларнинг жамиятимиз учун нақадар долзарб ва устувор бўлиб бораётгани ҳақида гапириб ўтишга ҳожат йўқ»⁵.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиغا киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи муҳим аҳамият касб этиб,

³ <http://www.internetworldstats.com/stats3.htm>

⁴ http://index.uz/2016/07/26/uzbekistan_zanimaet_37_mesto_v_mire_po_chislu_internet_polzovateley

⁵ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. –Т.: «Ўзбекистон», 2005, 194-б.

унда, жумладан, қуйидаги фикр диққатга сазовор: «Сизларга яхши маълумки, биз 2017 йилни юртимизда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилдик. Лекин, ҳаммамиз тушунмаизки, халқ билан мулоқот, одамларнинг ичига кириш, уларнинг дарду ташвишлари билан яшаш, инсон манфаатлари билан яшаш, инсон манфаатларини таъминлаш, бу – биз учун фақат бир йиллик иш эмас. Бу масала келгуси беш йиллик фаолиятимизда ҳам энг устувор вазифа бўлиб қолади ва бу ҳақиқатни ҳаммамиз чуқур тушуниб, яхши англаб олишимиз шарт. Чунки биз юртимизда янги давлат, янги жамият қуриш йўлида қандай иш қилсак, уларнинг барчасини халқимиз билан бамаслаҳат қиламиз. ... **халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак»**⁶.

Буюк аждодларимизнинг илмий мероси ҳам тадқиқ этилаётган мавзунини ёритишда муҳим манба саналади. Шарқнинг буюк мутафаккирлари Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий каби алломаларнинг асарларида ўз даврига хос бўлган давлат ва жамият бошқарувида ижтимоий коммуникациялардан фойдаланиш орқали жамоатчилик фикрини шакллантириш, унинг позитив жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган. Чунончи, аллома Беруний журналистика учун муҳим ҳисобланган хабар жанрини муфассал тарзда талқин этиб, «Одатда бўлиши мумкин бўлган нарса ҳақида берилган хабар бир хилда (фарқсиз) рост ва ёлғон бўлаверади; хабар, хабар берувчилар сабабли ростлик ва ёлғонлик тусини олади. Чунки одамларнинг мақсадлари хилма-хил; халқлар ўртасида тортишиш ва таллашиш кўп»⁷ лигини ўша даврдаёқ аниқ изоҳлаб бергани алоҳида аҳамият касб этади.

Ғарбий Европада XIX аср ўрталаридан бошлаб жамиятни «тирик организм» сифатида социологик усуллар орқали тадқиқ этиш асосини яратган Огюст Конт асарларида жамоатчиликни ахборотлаштиришда позитивизм нуқтаи назаридан ёндашиш заруратини таҳлил этган⁸. Шунингдек, америкалик социолог олим Д.Белл томонидан инсоннинг ўзига хос технократик ривожланиш ғояси асослани ахборотлашган жамият назариясида муҳим қадам бўлди. Э.Тоффлер постиндустриал жамиятда инсоният тараққиётининг

⁶ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз./«Халқ сўзи», 2016, 15 декабрь, №247 (6682).

⁷ Беруний, Абу Райҳон. Танланган асарлар. Т.II. –Т.: «Фан», 1965, 25-б.

⁸ Конт О. Дух позитивной философии. СПб., 1910, С.35.

«учинчи тўлкини» фақат ахборот орқали амалга ошишини концептуал жиҳатдан асослади. Ахборотлашган жамият ҳақида тадқиқотлар олиб борган япон олими Й.Масуда ахборотнинг нафақат кўплиги, балки сифатли маълумотларнинг жамият томонидан ўзлаштирилиши, уни мазмунан англаш ва унга таяниш жамоатчилик фикрини шакллантиришда фавқулодда муҳим аҳамият касб этишини назарий ва эмпирик тарзда исботлаб берди⁹. Таниқли социолог олим П.Сорокин ҳар қандай техниканинг такомиллашуви, хусусан, босма маҳсулотнинг кўп минг нусхаларда тарқатилиши жамиятда ижтимоий яқдилликни таъминлашга хизмат қилади, деб ҳисоблаган. Унинг қуйидаги фикри диққатга сазовор: «Инсоният маданияти қанчалик юқорилаб борар экан, у шунчалик ўзидан аввал ўтган аждодларининг қилган ишларига боғлиқ эканлигини ҳис қилиб боради, ўзидан олдин ўтган аждодларининг тажрибалари асосида сақланиб қолган чора-тадбирларига эҳтиёж сезади ва уни амалиётда қўллашга ҳаракат қилади»¹⁰. Зеро, интеллектуал маданий савиянинг юқорилиги аждодлар мероси ва тажрибаларини ўрганишга бўлган эҳтиёжни кучайтиради ва уни ОАВ орқали амалиётда қўллаш рағбатини оширади.

Америкалик социолог Т.Парсонс жамиятнинг тадрижий ривожланишида ахборот алмашинуви фикрлар хилма-хиллиги—сўз орқали ижтимоий интеграциялашув жараёнларига кучли таъсир ўтказди, деб ҳисоблайди¹¹. А.Этциони ахборот орқали жамоаларнинг сафарбарлик кучи намоён бўлишини изоҳлаб, «фаол жамият» назариясини тизимли тадқиқ этган¹². К.Поппер «очиқ жамият»да ахборот инсон эркинлигини рўёбга чиқаришда демократик ғояларга асосланишини изоҳласа, инглиз олими Т.Стоуньер ахборот постиндустриал жамиятда миллий тикланиш, ўзликни англашга имкон берувчи манба ва маънавий бойлик, деб ҳисоблайди¹³. У.Липпман «Жамоатчилик фикри» китобида оммавий коммуникациялар жамиятнинг бошқарув функциясига кучли таъсир кўрсатишини ўрганиб,

⁹ Bell D. The Social Framework of the Information Society. Oxford, 1980; Тоффлер Э. Третья волна. —М.: «Издательство АСТ», 1999; Masuda Y. Information Society as Postindustrial Society. Washington, World Future Soc., 1983, P. 29.

¹⁰ Сорокин П.А. Система социологии. Т.1. —Сыктывкар: «Коминвест», 1991, С.119.

¹¹ Парсонс Т. Система современных обществ. /Пер. с англ. Л.А.Серова и А.Д.Ковалева. Под ред. М.С.Ковалева. —М.: «Аспект Пресс», 1998. С.78.

¹² Etzioni A. The Activ Society. —New York: Free Press, 1966, P.393.

¹³ Поппер К.Р. Открытое общество и его враги. Перевод с англ. под общей ред. В.Н.Садовского. Т.1. —М.: «Феникс», 1992, С.123–159; Стоуньер Т. Информационное богатство: профиль постиндустриальной экономики. // Новая технократическая волна на Западе. —М., 1986.

фанга «стереотип» тушунчасини киритган ва бунда ОАВ муҳим роль ўйнашини қайд этган¹⁴. Г.М.Маклюэн «восита назарияси»да хабар – фикрни ўзгартирувчи восита сифатида назарий жиҳатдан тадқиқ этиб, «Ахборотлашган жамиятни электрон (аудиовизуал) коммуникация ғалабаси шароитида шахсининг интеллектуал қобилияти ва ижодий характерини оширувчи индивид даври», деб атайди¹⁵.

XX аср ўрталарида америкалик олимлар Ф.С.Сиберт, У.Шрамм, Т.Питерсонлар томонидан АҚШ, Англия ва собиқ СССР матбуотига асосланган «Матбуотнинг тўрт назарияси» ишлаб чиқилиб, «Авторитар матбуот назарияси», «Либертариан матбуот назарияси», «Матбуотнинг ижтимоий масъулият назарияси», «Совет коммунистик матбуоти назарияси» тарзида талқин этилди. Бунда хорижлик олимлар томонидан матбуот назариялари 8 та атрибут орқали қиёсий таҳлил этилган¹⁶. Шунингдек, Е.Мэйо оммавий коммуникатив жараёнларда вертикал алоқаларнинг таъсир имкони кенглигини, яъни бошқарувчининг бўйсунувчига ва қайтма алоқасини баён қилган бўлса, Жозеф Доменик, Вебстер Франк ва бошқа олимлар оммавий коммуникатив жараёнларда горизонтал алоқаларнинг имкониятлари кенгроқ бўлиши натижасида ахборотлашган жамиятнинг анъанавий жамиятдаги айрим фарқли жиҳатларига эътибор қаратганликлари диққатга сазовордир¹⁷.

Рус олими Я.Засурский оммавий коммуникацияларни тадқиқ этар экан, «Оммавий коммуникациялар жаҳон фанида мутлақо янги илмий йўналишни келтириб чиқарди» деб ҳисоблайди. В.Ворошилов оммавий коммуникацияларнинг маркетинг тизими такомиллашувига таъсирини, Е.Прохоров журналистика социологиясини яхлит тузилмаси сифатида тадқиқ этган бўлса, Г.Почепцов ахборотлашган жамиятни «янги коммуникатив макон» сифатида ёндашиб ОАВ такомиллашувига эътибор қаратган, А.Киселев ахборотлашган жамиятни коммуникациялар тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ўрганган¹⁸. С.Корконосенко илк дафъа журналистика социологиясини

¹⁴ Lippmann W. Public opinion. New York: Macmillan. 1922. P.59.

¹⁵ Маклюэн Г.М. Коммуникационная революция. –М.: «Наука», 2000, С.75.

¹⁶ Сиберт Ф.С., Шрамм У., Питерсон Т. Четыре теории прессы. /Пер. с англ. М.Полевая. –М.: «Вагриус», 1998. С.23.

¹⁷ Dominick J.R. The dynamics of mass communication. 5th ed. McGraw-Hill. N.Y. 1996, P.581-584; Webster Frank. Theories of the Information Society. Routedge, London and York, 1998.

¹⁸ Засурский Я.Н. Социологические аспекты журналистской науки.// «Вестник Московского университета. Серия 10. Журналистика», 2006. №1. С.5; Ворошилов В.В. Журналистика. 3-е издание. –СПб.: Изд-во Михайлова, 2001, С.128-130; Социология журналистики. /Под общей редакцией Е.П.Прохорова. –М. МГУ. 1981; Почепцов Г. Теория и практика коммуникации. –М.: «Центр», 1998. С.8; Киселев А.С. Роль нарождающегося информационного общества в развитии мировой цивилизации (монография). –М.: 2005, С.81.

коммуникация жараёнлари нуқтаи назардан тадқиқ қилган бўлса¹⁹, бошқа тадқиқотида «Журналистика–бу коммуникациядир»²⁰ деб хулоса қилган. Шунингдек, социология йўналишида Ю.Буданцев, В.Конецкая, С.Бориснев, Е.Путилова, Т.Науменко, И.Ясавеев, Е.Ефимова, А.Попов, Л.Арушанянлар²¹ ва журналистиканинг филология йўналишида В.Шевченко, Л.Федотова, О.Вершинская, Л.Свитич, А.Грабельников, Г.Бакулев, М.Симкачева, А.Калмиковлар²² ва бошқа фан йўналишларидаги тадқиқотчилар²³ унинг айрим жиҳатларини ўз мавзулари доирасида тадқиқ этишган.

Ўзбекистонда оммавий коммуникациялар моҳияти ва жамоатчилик фикрини шакллантириш масалаларининг социологик жиҳатини тадқиқ этишда М.Бекмуродов, М.Ганиева, А.Умаров, А.Холбеков, О.Абдуазимов ва бошқалар²⁴; журналистикани филология

¹⁹ Социология журналистики. Очерки методологии и практики./Под ред. С.Г.Корконосенко. – М.: 1998.

²⁰ Корконосенко С. Основы журналистики. –М.: «Аспект Пресс». С.281.

²¹ Буданцев Ю.П. Социология массовой коммуникации. –М.: МНЭПУ, 1995. С.111; Конецкая В.П. Социология коммуникации. –М., 1997; Бориснев С.В. Социология коммуникации. –М., 2003; Путилова Е.А. Интернет как фактор формирования информационного общества. Автореф. дис. ... канд. социол. наук. – Тюмень, 2004. 27 с; Науменко Т.В. Социология массовой коммуникации. –СПб., 2005; Ясавеев И.Г. Конструирование социальных проблем средствами массовой коммуникации. Автореф. дис. ... д-ра социол. наук. –Казань, 2006; Ефимова Е.В. Воздействие средств массовой коммуникации на политические ориентации Российского студенчества. Автореф. дис. ... канд. социол. наук. –Казань, 2007, 22 с; Попов А.В. СМИ как агент социализации российской молодежи в информационном обществе. Автореф. дис. ... канд. социол. наук. –Ростов-на-Дону, 2009. 29 с; Арушанян Л.Л. Потенциал личности в информационных структурах трансформирующегося общества современной России. Автореф. дис. ... д-ра социол. наук. – Краснодар, 2009.

²² Шевченко В.Ф. Социологические исследования в газетном творчестве. Автореф. дис.... канд. филол. наук. –Киев, 1973. -С. 19; Федотова Л.Н. Массовые коммуникационные процессы в условиях общественной модернизации России. Автореф. дис.... д-ра филол. наук. –М.: 1997. С.48; Вершинская О. Существующие модели построение информационного общества. // Информационное общество. –М., 1999. №3; Свитич Л.Г. Журналисты в свете информационной парадигмы. Автореф. дис.... д-ра филол. наук. –М., 2000; Грабельников А.А. Работа журналиста в прессе. –М.: «РИП-холдинг», 2001; Бакулев Г.П. Массовая коммуникация: Западные теории и концепции. –М.: «Аспект Пресс», 2005. 176 с; Симкачева М.В. Профессионализм журналиста: трансформация понятия, модели практического воплощения. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. –Казань, 2006; Калмыков А.А. Интернет-журналистика в системе СМИ: становление, развитие, профессионализация. Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. –М, 2009.

²³ Лившиц В.Г. Телевидение в информационном обществе: проектирование и особенности развития. Автореф. дис. ... канд. полит. наук. –Санкт-Петербург, 2006. -28 с; Возчиков В.А. Философия образования и медиакультура информационного общества. Автореф. дис. ... д-ра философ. наук. -Санкт-Петербург, 2007. - 26 с; Алексаньян Н.К. Влияние средств массовой коммуникации на трансформацию современного общества. Автореф. дис. ... канд. философ. наук. –Краснодар, 2009. -32 с;

²⁴ Бекмуродов М.Б. Социология асослари. –Т.: «Фан», 1994, 176 б; Шу муал. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. –Т.: «Фан», 1999; Шу муал. ва б. Социология. –Т., 2000. 212 б; Ганиева М.Х. Общественное мнение как фактор развития межнациональных отношений в Узбекистане. –Т.: «Университет», 2006, 168 с; Умаров А.А. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва қомил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли. Соц. фан. док... дис. автореф. –Тошкент, 2005, 55 б; Холбеков А.Ж. ва б. Ижтимоий адолат ва демократия: барқарор тараққиёт йўлида. –Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 186 б; Абдуазимов О.У. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишда матбуотнинг ўрни: ижтимоий фикр мониторинги (Марказий газеталарнинг 1996 – 2004 йиллардаги материаллари мисолида). Соц. ф.н.... дис. –Тошкент, 2007; Шу муал. Фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситалари. –Т.: «Akademiyа», 2008; Сабирова У.Ф. Интерактивные коммуникации как фактор развития корпоративной культуры. Автореф. дис. ...канд. социол. наук. –Ташкент, НУУ, 2010. 29 с.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/3998> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/3998> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3998>